

КўЛАМИ КЕНГ ЭЗГУ ИШЛАР РЎБИ

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар барпо этиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Зеро, бу борадаги ислохотлардан кўзланган мақсад аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришдир.

Қишлоқларнинг кўркам қиёфаси

Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишдаги ишларнинг жадаллашишига йўл очди.

Хоразм вилоятида ҳам ушбу қарор асосида кейинги тўрт йил мобайнида 37 та янги массивда бир минг 810 та уй-жой қад ростлади. Қолаверса, мазкур ҳудудларда 71,2 километрдан зиёд газ, 110 километрик сув ва 51,3 километрик электр тармоқлари, 35 километр узунликдаги автомобиль йўллари ва бошқа кўплаб инфратузилма объектлари барпо этилгани аҳолининг замонавий қулайликлардан баҳраманд бўлишини таъминлаётди.




— Қишлоқ аҳоли пунктларини боғлайдиган 890 километрдан зиёд ички йўللар ҳамда 200 километрдан ортиқ шаҳар ва қишлоқ кўчалари таъмирланди.



— Аёлларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 117 миллиард сўмликдан зиёд кредит маблағлари ажратилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси доирасида:

- 147 та туманда 10 мингта намунавий уй-жой барпо этилди. Бунинг учун аҳолига бир триллион 400 миллион сўмлик узоқ мuddатли ва имтиёзли кредитлар ажратилди.
- 213 миллиард сўм маблағ ҳисобидан бир минг 800 километрга яқин сув тармоғи тортилиб, бир миллион 370 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.



— Мамлакатимиз корхоналари томонидан 310 мингга яқин ошхона ва уй-рўзгор ашёлари ишлаб чиқарилиб, 130 миллион сўмлик ана шундай буюмлар ахтиёжманд оилаларга бепул тарқатилди.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида юртимизда хизмат кўрсатиш соҳаси янада ривожланмоқда. Чунинчи, Наманган вилоятида ҳар бир маҳаллада камидан ўнтадан сервис шохбачаси ташкил этиш шiori остида олиб борилган тадбирлар бунга ёрқин мисолдир.


Ийл аввалида бошланган бу эзгу юмуш ижросига, айниқса, маҳаллий тадбиркорлар кўпроқ хайрихоҳлик билдиришди.

Хусусан, Наманган туманидаги Ирвадон қишлоғида яшовчи Фоғиржон Қодиров ўз маҳалласидаги фойдаланилмай турган бинони сотиб олиб, унинг негизда замонавий савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасини ишга туширди.

Замонавий инфратузилма

халқимиз турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда

Бугун олти хонали бу объектда кундулик ахтиёж мольлари дўхони, саргаршона, компьютер хизмати, гузаллик саломи ва келинлар либосини ижарага берувчи шохбача фаолият кўрсатаётти. Уларда меҳнат қилаётган 15 нафардан ортиқ ёшлар ўзларига муқим иш жойи яратиб бергани учун тадбиркордан миннатдор. Ҳамқишлоқидан ибрат олган Набижон Зиёвдиннов эса табиғийлик цехига асос солиди. Ун иккита тикув машинаси харид қилиб, қўлдан чеварлик келадиган хотин-қизларни иш билан таъминлади. Айни чоғда бу ерда 17 киши ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, яққа тартибдаги буюртмалар асосида бири-биридан чиройли кийимлар тикияпти.




Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Айтиш жоизки, «Обод турмуш йили» Давлат дастурига қўра, Наманган вилоятида йил охирига қадар қишлоқларда яна 462 та хизмат кўрсатиш шохбачасини ишга тушириш учун изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Имтиёзли кредитлар натижаси



Айниқса, Президентимиз доимо тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб келаётгани, уларнинг фаолиятидан олинмайдиган давлат солиқларининг йилдан-йилга камайиб бораётганилиги, бир қатор имтиёзли кредитлар жорий этилганилиги бу борада муқим омил бўлаётти.

Ичимлик суви таъминоти яхшиланмоқда

Дарҳақиқат, сир эмас, аҳоли турмуш фаровонлиги, умуман, қишлоқ инфратузилмасининг қай даражада эканлигини аниқлашда ҳудудни ичимлик суви билан таъминлаш ҳам муқим ҳисобланади. Айнан шу вазифа «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг устувор йўналишларидан бири этиб белги-ланганлигининг сабаби ҳам шунда. Айтиш жоизки, бу борада биз салмоқли натижаларни кўлга киритаямиш. Масалан, жорий йилнинг ўтган ойларида 47 та қишлоқда янги ичимлик суви иншооти қури-

либ, мавжудлари реконструкция қилинди. Натижада Мирзаобод туманидаги Фарғона, Хайдар ва Барлос, Ховос туманидаги Чаманзор, Боёвут туманидаги Қархон, Сайхун-обод туманидаги Пахтакор ҳамда Ёшлиқ, Сирдарё туманидаги Пахтазор, Малик ва Бўстон, Сардоба туманидаги Наврўз каби маҳалла ва қишлоқларда яшовчи 57980 нафар кишининг ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

... Олот туманидаги «Баҳористон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Зулхумор Қулиева ўн йилдирки, «Салимжон Ашур» кўп тармоқли фермер ҳўжалиги раҳбари. «Тиниб-тинчимас, изланувчан, журъатли, бағрикенг», дейишади у ҳақда ҳамқишлоқлари. Сўхбат асосида бу аёлнинг ўта меҳнатқашлигини ҳам пайқадик. Ахир дала ишларидан ортиб, қунора чорвачиликдаги аҳвол билан танишиш, қурилишбоп маҳсулот — брусчатка ишлаб чиқариш цехидан хабар олиш, юзага келган муаммоларни ҳал этиш, бош устига, жамоат ишларига ҳам улгуришининг ўзи бўлади-ми? Уй юмушларини-ку, айтмай қўя қолайлик.

— Халқимизда «Кўз кўрқок, кўл ботир», деган нақл бор, — дейди бунга жавобан Зулхумор опа. — Фермер сифатида иш бошлаган кезларда анча-мунча қийинчиликларга дуч келганман. Ушанда «Давлатимиз менга 18 гектар майдонни ишониб топширди. Бу ердан рисоладагидек ҳосил олиб, ишончли оқлай билармиканман?» деган уй менга тинчлик бермаган. Шўқри, меҳнатимиз зое кетмади. Банкдан кредит олиб, чорвачиликни йўлга қўйдик. Экин майдонларимиз 70 гектарга етди. Техникамиз етарли. Жорий йилда гектар

ҳисобига 70 центнердан дон, салкам 40 центнердан пахта етиштирдик. Йилни камида 120 миллион сўм соф фойда билан яқунлашни мўлжаллаб турибмиз.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида юртимизда хизмат кўрсатиш соҳаси янада ривожланмоқда. Чунинчи, Наманган вилоятида ҳар бир маҳаллада камидан ўнтадан сервис шохбачаси ташкил этиш шiori остида олиб борилган тадбирлар бунга ёрқин мисолдир. Ийл аввалида бошланган бу эзгу юмуш ижросига, айниқса, маҳаллий тадбиркорлар кўпроқ хайрихоҳлик билдиришди.

Фермер аёл иқболи

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятта келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.05 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5

Тахририятта келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳфаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусахҳах — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.05 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5